



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 7 октябрь, № 211 (8554)

Шанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИК ВА ИШОНЧЛИ ДЎСТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлиб турибди.



Давлатимиз раҳбари расмий ташриф дастурининг иккинчи кунинда Москва шаҳрининг Александр боғидаги Номалум аскар қабрига гулчамбар қўйди.

Кремль деворлари ёнида жойлашган ушбу ёдгорлик Иккинчи жаҳон урушида Ватан ҳимоясида мардларча жанг қилган ва ҳалок бўлган миллионлаб аскарлар хотирасига бағишлаб барпо этилган, аждодларимиз жасорати ва матонати рамзидир.

Ўзбекистон Президенти инсониятнинг тинч келажаги йўлида жонини фидо қилган қаҳрамонлар хотирасига хурмат бажо келтирди.

Кремлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Шавкат Мирзиёев Владимир Путинга ҳар доимгидек самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг бугунги ҳолатини юксак баҳолади.

Томонлар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг жадал суръатини мамнуният билан қайд этдилар.

Ушбу олий даражадаги ташрифга тайёргарлик доирасида бир қатор тадбирлар, шу жумладан, Ҳукумат раҳбарлари даражасидаги кўп қиррали комиссиянинг тўртинчи йиғилиши, тиббиёт, ректорлар ва ҳудудлар форумлари муваффақиятли ўтказилган таъкидланди.

Саноат кооперацияси жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда Россия инвестициялари ҳажми ошиб бормоқда.

Президентлар ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш муҳим эканини қайд этдилар. 4 октябрь куни Қозон шаҳрида ўтган учинчи Худудларро ҳамкорлик форуми якунида 3,5 миллиард долларлик битим ва шартномалар имзоланди.

Худудлар кесимида саноат кооперацияси бўйича йил бўйи ўзаро ташрифлар режа-жадвалини ўз ичига олган "Йўл харитаси"ни тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Учрашув чоғида Россияда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқаролари учун ижтимоий қаролатларни таъминлаш масалалари ҳам батафсил қўриб чиқилди.

Кунни кеча Бутунроссия кўргазма марказида Ўзбекистоннинг янгилашган павильони очилди.

Президентлар тадбирларга бой ва серкйрра маданий-гуманитар ҳамкорликни юқори баҳоладилар. Муҳим маданий воқеалар: Москвада "Лазги" миллий балети премьераси, Ўзбекистон маданияти кунлари, мамлакатимизда эса "Россия фасллари" лойиҳаси доирасидаги тадбирлар бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари 2024-2025 йилларга мўлжалланган Маданий ҳамкорлик дастурини қабул қилишга келишиб олдилар.

Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Самимий ва дўстона ўтган учрашув якунида томонлар кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги интилиш катий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

Икки давлат етакчилари тор доирадаги учрашувдан сўнг музокараларни расмий делегациялар аъзолари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Россия муносабатларининг барча йўналишлари бўйича ҳамкорлик изчил кенгайиб бораётгани ва салмоқли даражада юксалаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Савдо-иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларидаги аниқ йўналтирилган бир-бирига фаолият натижалари юқори баҳоланди, улар сифат жиҳатдан ўзгаргани таъкидланди.

Саноат кооперациясини, энг аввало, машинасозлик, металлургия, энергетика, қайта ишлаш, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларда кенгайтириш бўйича доимий фаолият юритувчи қўшма гуруҳ тузилган.

Музокараларда маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор бошқа келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Кенг қўламли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилдилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурда икки мамлакат ҳукуматлари ва вазирликлари томонидан имзоланган 10 та ҳужжат алмашилди. Самарқанд шаҳрида Россия Федерациясининг бош консулхонасини таъсис этиш, ваколатли иқтисодий оператор институтларини ўзаро тани олиш, "Агроэкспресс" тезкор те-

мир йўли ташувларини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битимлар, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2024-2025 йиллар учун ҳамкорлик дастури, шунингдек, транспорт, илм-фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар шулар жумласидан.

Ушбу келишувлар Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлигини бир қатор истиқболли йўналишларда янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путин музокаралардан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказдилар.

Етакчилар сермазмун музокара ўтказганлари, уларда Ўзбекистон — Россия муносабатларининг барча йўналишлари батафсил муҳокама қилингани, ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг янги истиқболлари белгилаб олингани таъкидландилар. Икки томонлама кўп қиррали ҳамкорлик юқори суръатда эканини, барча соҳаларда салмоқли натижаларга эришилаётганини қайд этдилар.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва уни янги марраларга етказиш борасидаги интилиш катий экани тасдиқланди.

Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликда нафақат миқдорий кўрсаткичлар барқарор ўсиб бораётгани, балки сифат жиҳатдан ўзгаришлар рўй берганига эътибор қаратди. Хусусан, илгари ўзаро товар айирбошлаш таркибининг аксариятини хошмашё ташкил этган бўлса, бугун-

ги кунда савдонинг 70 фоизи юқори қўшилган қийматли маҳсулотларга тўғри келмоқда.

Инвестиция соҳасида ҳам энгил ва кимё саноати, автомобилсозлик ва машинасозлик, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тармоқларида инновацион лойиҳалар салмоғи ортиб бораётгани кузатишмоқда.

Россия фуқаролари орасида Ўзбекистоннинг туристик жозибадорлиги ошаётгани қайд этилди. Россиялик сайёҳлар оқими йил бошидан буён 20 фоизга ошгани кўрсатиб ўтилди.

Томонлар 2024-2025 йилларда Маданият, санъат ва адабиёт кунларини ўзаро ташкил этишга келишиб олдилар. Маданият, таълим ва тиббиёт соҳаларида икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш муҳимлиги айтилди.

Президентлар аънаваний ва янги таҳдид ҳамда хатарларга, энг аввало, терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши курашиш масалалари диққат марказида қолаётганини таъкидладилар.

Томонлар эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар стратегик шериклик ва иттифоқчиликни янада ривожлантиришга, Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин билан музокара ўтказди.

Учрашув Россия Ҳукуматининг Мувофиқлаштириш марказида бўлиб ўтди.

Икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш суръатини сақлаб қолиш ва кооперация алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Саноат кооперациясини чуқурлаштириш бўйича ишларни самарали мувофиқлаштириш учун қўшма Ишчи гуруҳи тузилган.

Рақамлаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида ҳамда Ўзбекистонда электрон савдонинг жорий қилиш бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ҳудудларининг амалий шериклигини янада ривожлантириш ва уни аниқ лойиҳалар билан бойитиш учун кенг имкониятлар борлиги қайд этилди.

Шаҳарсозлик, уй-жой фондиди реновация қилиш соҳаларида тажриба алмашишни йўлга қўйишга келишиб олди.

Музокаралар якунида Президентимиз Россия Ҳукумати Раисини расмий ташриф билан мамлакатимизга келишга таклиф этди.

Сўнг Ўзбекистон делегацияси Россия Ҳукуматининг Мувофиқлаштириш маркази билан танишди. Михаил Мишустин давлатимиз раҳбарига ижро ҳокимияти органларининг тезкор ва келишилган ҳаракатларини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу доимий фаолият юритувчи идора фаолияти тўғрисида батафсил ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Россия ОАВ: ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ИЗЧИЛ МУСТАҲКАМЛАНИБ, РИВОЖЛАНИБ БОРАВЕРАДИ

Сўнгги кунларда Россиянинг етакчи оммавий ахборот воситаларида Россия — Ўзбекистон ҳамкорлиги, шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий тараққиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Акс садо

Хусусан, "Московский комсомолец" газетасида эксперт Юрий Сивогининг "Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда."

Муаллифнинг ёзишича, ҳозирги ўта беқарор ва келажаки олдиндан баҳорат қилиб бўлмайдиган даврда энг ақил географик қўшнилар ўртасидаги дўстона, чинакам шериклик ва ўзаро манфаатли муносабатлар ҳар қандай давлат ташқи сиёсатининг энг муҳим элементи бўлиши керак. Бу, айниқса, узоқ йиллардан буён яқин сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни сақлаб келаётган Россия ва Ўзбекистон каби давлатлар учун жуда муҳим.

"Мустақил Ўзбекистон учун бу, биринчи навбатда, мамлакатнинг расмий Тошкент билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор барча давлатлар билан муносабатларини мустақил равишда муназир қилиш зарурати мўҳим аҳамиятга эга", дейилади мақолада.

Нашрда қайд этилишича, Ўзбекистон Президентининг Россияга сўнгги ташрифи, айниқса, самарали бўлган. У 2021 йил 19 ноябрда бўлиб ўтди ва натижада 18 та қўшма ҳужжат имзоланди. Утган йилнинг кузида Россия Президенти Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Унда Ўзбекистон ва Россия ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги жуда муҳим декларация имзоланди. Жорий йилнинг 8 май куни эса Ўзбекистон Президенти Ҳалабанинг 78 йил-

лигида бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этиш доирасида Россия Президенти билан учрашув ўтказди.

Шунингдек, мақолада расмий Москва ва Тошкент ўртасидаги савдо-иқтисодий соҳадаги икки томонлама муносабатлар ўсиб бораётгани, минтақаларро ҳамкорлик фаол ривожланиётгани алоҳида қайд этилган. Маданий-гуманитар ва таълим йўналишидаги шериклик ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Таъкидланишича, Ўзбекистон Марказий Осиёда Россиянинг 14 та етакчи олий ўқув юрти филиаллари очилган ягона давлатдир.

"Россия ва Ўзбекистон ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дея қайд этилди муаллиф. — Утган йилнинг март ойида икки давлат ҳукуматлари ўртасида 20 та қўшма тадбирни ўз ичига олган сайёҳлар оқимини ошириш бўйича Режа имзоланган. ➡

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадовал Жанубий Корея Миллий Ассамблеяси Ер, инфратузилма ва транспорт қўмитаси депутатлари Чхве Ин Хо ва Ким Чонг Чжэ бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашди.

Мулоқот

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон ва Жанубий Корея географик жиҳатдан бир-биридан узоқ масофада жойлашган бўлса-да, уларни кўп йиллик дўстлик ва манфаатли ҳамкорлик ришталари боғлаб турганлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар, айниқса, парламентлараро алоқалар-

ни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутатлари мамлакатнинг бир қатор корпорациялари Ўзбекистонда автомобиль ва темир йўллар инфратузилмаларини ривожлантиришда фаол иштирок этишга қизиқиш билдираётганини айтиб ўтди.

Меҳмонлар самимий учрашув учун миннатдорлик изҳор қилиб, Олий Мажлис Сенати делегациясини жорий йилда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтадиган "ЭКСПО — 2030" бутунжаҳон кўргазмасига таклиф этди.

«Халқ сўзи».

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР МАНФААТЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугун дунёда 1 миллиарддан ортқ одамлар ногиронликдан азият чекади. Бу — қурраи замин аҳолисининг 15 фоизини ташкил этади, дегани.

Фикр

Ўзбекистонда ҳам бундай инсонлар сони кам эмас. Бу эса шунингдек, уларга таълим бериш, муносиб ва кулай шaroит ҳамда иш ўринлари яратиш масаласи ниҳоятда долзарбдир. Сир эмас, таълим олиш, иш топишда кўп ҳолларда улар қийинчилик ва тўсиқларга дуч келади. Шуларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, тўсиқсиз муҳит яратиш, уларни жа-

миятнинг тўлақонли азбоси қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, ушбу қатлам бандлигини таъминлаш борасида бир қатор ишлар рўёбга чиқарилди. Ногиронлиги бор инсонларни ишга олган иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устоз жамғармасида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ҳар бир ҳодим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари даражасида субсидия ажратилмоқда. ➡

